# Куч — адолатда

2012 йил, 28 июль, шанба
№ 29 (386)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


# Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!






## ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАШ БАХТИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳолини, айниқса, болалар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чекка қишлоқларда ҳам спорт билан шуғулланиш учун етарли шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.**

Спортимиз тараққиётида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кашф этилган ва жаҳон тажрибаси учун янгилик бўлган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари муҳим омил бўлмоқда. Ушбу мусобақалар тизими фарзандларимизни ватанпарвар, миллатсевар, ҳаёт синовларига бардошли, бағрикенг, жисмонан етук қилиб тарбиялашга хизмат қилаётир.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда спорт нафақат ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, балки Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Мамлакатимиз спортчилари жаҳон ареналарида юксак натижаларга эришиб, юртимиз байроғини баланд кўтараётгани бунинг яққол далилидир.

Куни кеча Лондон шаҳрида очилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам Ўзбекистон спортчилари иштирок этмоқда. Маълумки, мазкур Олимпия ўйинларида дунёнинг энг сара спортчилари ўттиздан ортиқ спорт тури бўйича 302 медаллар жамланмаси учун куч синашади.

Лондон Олимпиадасининг мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган олтмиш нафарга яқин ҳамюртимиз спортнинг ўн олти тури — бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, трамполин, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, ўқ отиш, қиличбозлик ва теннис бўйича беллашувларда жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон спортчилари 2008 йил Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, мустақил юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшишганди. Жаҳоннинг 204 мамлакати вакиллари иштирок этган мазкур халқаро спорт анжуманида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Улар бир олтин, 2 кумуш, 3 бронза медалини қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтишганди. Ўзбекистон фарзандларининг Чин юртида намойиш этган матонат ва жасорати эвазига Давлатимиз байроғи бир неча бор кўтарилди, мадҳиямиз янгради.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Xabar*

## Ўзбекистон Республикаси Олий судида

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2012 йилнинг биринчи ярим йилида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.**





Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Бу жараёнда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришни чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар алоҳида аҳамият касб этаётир.

Бунда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим дастуриламал бўлмоқда. Унда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг навбатдаги муҳим йўналишлари белгилаб берилгани ва ўтган давр мобайнида улар босқичма-босқич ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани соҳадаги ишларнинг кўлами ва самарадорлигини янада кенгайтирмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Jamiyatimiz maqsadi*

## Аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари — доимий муҳофазада

**Юртимиз тарихида ном қолдирган буюк аждодларимиз қаторида ўзининг жасорати, ақл-заковати билан халқимиз кўнглидан жой олган аёллар ҳам кўп. Жасур Тўмарис, заковатли Бибихоним, донолик ва садоқатда тенги йўқ Гулбаданбегим ва Зебунисо, нафосат куйчилари Нодирабегим ва Увайсий, Анбар отин, замондошимиз Зулфияхоним каби аёллар бунга мисол бўла олади.**

(Давоми иккинчи бетда)



*Fuqarolik qonunchiligi*

## Мулк ҳуқуқи

### унинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади

**Мулк ҳуқуқи, унинг вужудга келиш асослари тўғрисида фикр юритганда, мамлакатимизда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилиб, амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, Фуқаролик кодексининг 2-бўлимида мулк ҳуқуқи тушунчаси, унинг вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар батафсил баён этилган.**

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 164-моддасида мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат эканлиги белгиланиб, мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 182-моддасида қайд этилганидек, меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкини хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асосларда мулк ҳуқуқи юзага келади.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Qonun ko`magi*

## Шартнома

### унинг замирида томонлар мажбурияти, масъулияти ва манфаати мужассам

**Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шартномаларнинг қонуний тарзда тузилиши ва унинг шартлари ўз вақтида бажарилиши, аввало, томонларнинг манфаатига хизмат қилади.**

**Айтиш керакки, Фуқаролик кодексида шартнома интизомини тўлиқ тартибга солишга қаратилган меъёрлар аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун ҳам бу борада муҳим ўрин тутади.**

(Давоми иккинчи бетда)

**Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари — битимлардир. У орқали фуқаролар муайян ҳуқуқий натижага эришади. Шу боис битимни фақат қонун талабларига риоя этган ҳолда тузиш даркор.**

**Шуни айтиш керакки, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай битимни ҳақиқий, деб эътироф этиш тамойили ҳам мавжуд. Бу битимларнинг эркинлиги тамойилини англатади.**

*Mulohaza*

## Битимлар билан боғлиқ низолар

### уларни ҳал этишда нималарга эътибор бериш керак?

Фақат ваколатли шахсларнинг даъвоси бўйича қонунда кўзда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда битим суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Олий суд Пленумининг **«Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарорининг 17-бандида тушунтирилишича, **олди-сотди шартномаси унинг иштирокчилари учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис мазкур шартноманинг ҳақиқийлигини қонунда белгиланган асослар бўйича фақатгина иштирокчилари ҳамда шартнома объектининг мулкдорлари низолашишга ҳақли** эканлиги белгилаб қўйилган.

**(Давоми учинчи бетда)**

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоясини таъминлашда кафолатли ҳуқуқий пойдевор яратди.**

*Islohot va samara*

## Эзгуликнинг теран моҳияти

### ёки ярашув институти самарали восита

Олий Мажлис томонидан 2001 йил 29 августда **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг қабул қилингани жамиятда муҳим ижтимоий ҳодиса бўлди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Xabar*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мамлакатимиз умумюрисдикция судлари одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият юритмоқда. Олий суд матбуот хизматидан маълум қилишларича, 2012 йилнинг биринчи ярим йилида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 84 мингдан ортиқ фуқаролик иши кўриб чиқилган. Шунингдек, 1 миллиондан ортиқ суд буйруғи чиқарилган. Суд буйруғи чиқарилган аризалар бўйича 360 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириш белгиланган. Фуқаролик ишларининг 85 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 89,1 фоиз иш бўйича даъво қаноатлантирилган.

Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар амалиётда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ярашув институти жорий қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида 131 минг нафардан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди. Шунингдек, жазоларни либераллаштириш ҳақидаги қонун татбиқ қилинаётганидан буён 193 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 21 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Йиғилишда фуқароларнинг судларга мурожаати йилдан-йилга ортиб бораётгани, бу уларнинг ҳуқуқий маданияти ва суд орқали ўз ҳуқуқларини тиклашга бўлган ишончи юксалаётганидан далолат бериши қайд этилди. Бу судьялардан ўз ишига янада масъулият билан ёндашишни талаб этади. Чунки ҳар бир мурожаат замирида инсон тақдири мужассам. Уларнинг қонуний ва ўз вақтида ҳал этилиши суд ҳокимиятининг обрўсини янада оширади.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилиниши судлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шу боис йиғилишда судлар томонидан оилани мустаҳкамлашга қаратилган ишларни процессуал қонунларда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш, суд қарорлари ижросини ўз вақтида таъминлаш, бу борада тарғибот-тушунтириш ишларини изчиллик билан олиб бориш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар, процессуал қонунбузилиш ҳолатлари, суднинг обрўсига путур етказадиган камчиликлар атрофлича муҳокама этилди. Одил судловни амалга оширишда қонуний ва адолатли суд қарорларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, фуқароларнинг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Jamiyatimiz maqsadi*

# Аёллар ҳуқуқ ва манфаатлари — доимий муҳофазада



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, жамиятда аёлларнинг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этишга оид чора-тадбирлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Айтиш керакки, юртимизда аёлга муносабат, ҳурмат ва эҳтиром шарқона ахлоқ-одобга, умрбоқий қадриятларга, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда эса, миллий қонунчилигимиз ҳамда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига таянади.

Бинобарин, юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига ва уларнинг ҳаётдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга, меҳнат қилиш, саломатлигини тиклаш, илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда эркаклар билан тенгма-тенг фаолият кўрсатиши учун зарур ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, буни нафақат миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириб боришда, балки халқаро ҳужжатларда умумэътироф этилган хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги тўғрисидаги бир қатор ҳуқуқий меъёрларнинг янги қонунларимизга имплементация қилинаётганлигида ҳам яққол кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.**

Яна шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун ҳужжатларининг халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги, Оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги, Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция ва уни тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол ва бошқа ўнлаб халқаро Конвенцияларга қўшилди.

Ушбу халқаро ҳужжатларда эътироф этилган хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрларнинг Конституциямизга ва амалдаги бошқа қатор қонун ҳужжатларига киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга мамлакатимизда илк давлат мукофотларидан бири **«Соғлом авлод учун»** ордени таъсис этилди. Президентимизнинг 1995 йил 2 мартда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори, 2004 йил 25 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори ва бошқа ҳужжатлар аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларида уларга маънавий ва руҳий мадад беришга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир жамиятнинг тараққиёт даражаси унда яшаётган аҳолининг, аввало, аёлнинг — онанинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий комиллик даражаси билан ўлчанади. Инсонни ана шундай етукликка олиб чиқувчи омиллардан бири бу Ватан ичра ватан бўлмиш муқаддас даргоҳ — оиладир. Бу муқаддас даргоҳда, она бағрида фарзанд — инсон дунёга келади, камол топади ва жамиятнинг бир бўғини сифатида шаклланади.

Президентимизнинг доимий ғамхўрлиги билан оила маънавиятини юксалтиришга, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий аньаналарни авайлаб-асраш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга давлат томонидан ғамхўрлик қилиш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. **2012 йил — Мустаҳкам оила йили**, деб эълон қилиниши мамлакатимизда аёл ва оила манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган туб ислоҳотлар, устувор вазифалар ҳамда улкан мақсадларнинг мантиқий давоми бўлди.

Жорий йилнинг 27 февралида давлатимиз раҳбарининг **«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги қарорининг қабул қилиниши эса хотин-қизларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янги бир даврни, муҳим босқични бошлаб берди.

Бир сўз билан айтганда, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, шу билан бир қаторда, аёлларнинг оналик бурчи ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бу иккала ўта муҳим вазифани бажаришда аёлнинг жамиятдаги мавқеи, нуфузи, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги, маънавий-маърифий жиҳатдан етуклиги беқиёс аҳамиятга эга. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча чора-тадбирлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари пировард натижада аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги, шунингдек, оила ва жамиятдаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Фотима ҲУСАНОВА,**
*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси*

*Qonun ko`magi*

# Шартнома

## унинг замирида томонлар мажбурияти, масъулияти ва манфаати мужассам

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Маълумки, хўжалик шартномалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида шартномалар тузишда бевосита ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг бажарилишини ваколати доирасида назорат қилиш вазифаси адлия идоралари зиммасига юклатилган. Шу боис ҳам бугунги кунда адлия идоралари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, хусусан, фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда. Шу ўринда маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида фермер хўжаликлари билан тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида 460 мингдан ортиқ шартномалар тузилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Афсуски, тарафлар ҳар доим ҳам шартнома шартларига бирдек амал қиляпти, деб бўлмайди. Адлия идоралари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида шартномалар бажарилишига оид 45694 та қонун бузилишларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли идора ва ташкилотларга 1221 та тақдимнома киритилди. Натижада 1157 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 86 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, шунингдек, 36 миллиард 321 миллион сўмдан ортиқ маблағ шартнома тарафларига қайтарилди.

Адлия идоралари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва шартнома интизомини суд тартибида мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганлиги юзасидан судларга 27 миллиард сўмлик 5.552 та, шундан фермер хўжаликлари манфаати бўйича 11 миллиард сўмлик 4.121 та даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво аризалари судлар томонидан кўриб чиқилиб, манфаатдор тарафларга 19 миллиард 546 миллион сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Мисол учун Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан Музработ туманидаги «Нормуродов Асилбек» фермер хўжалиги раҳбари Р.Ҳайиталиевнинг «Ишонч телефони»га қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, «Музработ пахта» АЖ томонидан шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмай, 2011 йил ҳосилидан топширилган пахта хомашёсининг 90 фоизлик қиймати ҳисобидан 21.618.500 сўм маблағ фермер хўжалигига ўз вақтида тўлаб берилмаган.

Адлия бошқармаси томонидан «Музработ пахта» АЖдан 21.618.500 сўм асосий қарз, кечиктирилган тўлов кунлари учун пеня ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2012 йил 3 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги фойдасига 21.618.500 сўм асосий қарз ва 2.161.850 сўм пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Бир сўз билан айтганда, қонуний тузилган шартномалар томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга хизмат қилади. Шундай экан, шартнома тарафлари ўз ҳуқуқларининг бажарилишини талаб қилиш баробарида зиммасидаги мажбуриятларини ҳам тўлиқ адо этишни унутмасликлари керак.

**А.ТУРСУНОВ,**
*Адлия вазирлиги масъул ходими*

*Saboq*

# Ерга эгалик ҳуқуқи

## у қонун асосида вужудга келади

**Қонунни ҳурмат қилиш, белгиланган тартиб-қоидалар доирасида фаолият юритиш, хусусан, ҳақ-ҳуқуқларни амалга ошираётганда ўзгаларнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик лозимлиги барчага бирдек тегишли мезондир. Бироқ, афсуски, ҳаётда шахсий манфаатлари йўлида бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузадиган кимсалар ҳам учраб туради.**

Маълумки, бошқа соҳаларда бўлгани сингари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи қонуний асослар бор. Масалан, ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг вужудга келиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Қонунда бу борада аниқ меъёрлар белгиланган. Таассуфки, сариосиёлик Шарофиддин Тоғаев бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмади. Гап шундаки, у «Диёрбек Абдурашидов» фермер хўжалигига қарашли ер майдонининг 337-дала контуридан 0.20 га ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ҳеч қандай ҳужжатларсиз қурилиш ишларини бошлаб юборди.

Табиийки, фермер учун ҳар бир қарич ер ҳисобли. Фермер хўжалиги раҳбари Ш.Тожиев ҳам Ш. Тоғаевга бу ишнинг ноқонунийлигини ҳар қанча тушунтиришга уринмасин, барча саъй-ҳаракатлари бесамар кетди.

Шундан сўнг у Ш.Тоғаев томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонини қайтариб олиб беришни сўраб, Сариосиё тумани прокуратурасига мурожаат қилди. Туман прокуратураси Ш.Тожиевнинг шикоятини атрофлича ўрганиб чиқиб, фуқаро Ш.Тоғаевнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан судга хулоса киритди. Жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани судининг қарори билан Ш.Тоғаев Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор, деб топилди ва унга нисбатан жарима жазоси тайинланди.

Шунингдек, Сариосиё тумани прокуратураси томонидан «Диёрбек Абдурашидов» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонидан Ш.Тоғаевни мажбурий тартибда чиқариш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд қарорида Шарофиддин Тоғаевни ғайриқонуний эгаллаб олинган 0.20 га ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш, ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой биноларини жавобгарнинг ҳисобидан буздириб ташлаш белгиланди.



Яна бир мисол. «Жавоҳир Беҳруз Тўра» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Чориев ҳам худди Ш.Тожиев дуч келган ташвишга рўпара келди. Гап шундаки, Сариосиё тумани ҳокимлигининг 2011 йил 15 апрелдаги 267-сонли қарори билан туман ҳокимлиги заҳирасидаги 15 гектар ер майдони «Жавоҳир Беҳруз Тўра» фермер хўжалигига ажратиб берилади. Аммо ака-ука Алимардоновлар мазкур ер майдонининг 5 гектарини ўзбошимчалик билан эгаллаб олишади.

Фермер хўжалиги бошлиғи Бахтиёр Чориевнинг ёзма мурожаатига асосан, мутасадди идора мутахассислари мазкур масалага ойдинлик киритишга бир неча бор ҳаракат қилишади. Бироқ ака-ука Алимардоновлар ерни қайтариб бермаслик мақсадида турли найрангларни ишга солишарди. Натижада Б.Чориев фермер хўжалигига қонуний ажратилган ер майдонидан фойдалана олмайди, табиийки, бу унинг фермерлик ишларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни лозим топди. Чунки Ер кодексининг 91-моддасида «Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади», деб кўрсатилган. Шунга биноан, «Жавоҳир Беҳруз Тўра» фермер хўжалиги раҳбари Б.Чориевнинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарорида жавобгарлар — ака-ука Алимардоновлар томонидан эгаллаб олинган 5 гектар ер майдонини фермер хўжалик ҳисобига қайтариш белгиланди.

Ҳа, адолат қарор топди. Ер ўз эгаларига қонуний йўл билан қайтарилди. Кўриниб турибдики, қонунга суянган киши асло қоқилмайди. Зеро, Асосий қонунимизнинг 20-моддасида белгиланганидек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

**Шерали ШОДИЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманлараро судининг раиси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*«Куч — адолатда» мухбири*

*Qilmish-qidirmish*

# Ҳалолликнинг

**Бу ҳаётда фақат ҳалол меҳнат кишининг юзини ёруғ қилиб, кўнгилга хотиржамлик бағишлайди. Афсуски, ҳаётда тўғри йўлдан тойиб, қинғир ишларга қўл уришдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Албатта, бундай кимсаларнинг қилмиши ҳеч қачон изсиз кетмайди. Бошқача айтганда, қинғир ишнинг барибир қийиғи чиқади. Буни қуйида баён этиладиган мисолда ҳам кўриш мумкин.**

Булунғур тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2010 йил 11 октябрда рўйхатга олинган «Бунёдкор-оригинал-сервис» хусусий корхонаси раҳбари Б.Тоғайназаров атиги тўрт ойда ўзининг кимлигини ошкор қилиб қўйди.

Гап шундаки, Б.Тоғайназаров 2010 йилнинг 11 октябридан 2011 йилнинг 21 февралига қадар хусусий корхона бош ҳисобчиси А.Раҳимов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир қатор қилмишларга қўл урди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан аниқланишича, «Бунёдкор-оригинал-сервис» корхонаси 2010 йил давомида аҳолига 43 миллион 817 минг 800 сўмлик хизмат кўрсатган. Бироқ ҳалолликдан бўйин товлаган Б.Тоғайназаров туман давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботида бу рақамни 2 миллион 441 минг 600 сўм қилиб кўрсатган. Оқибатда корхонанинг кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари қасддан яширилган.

Бундан ташқари Б.Тоғайназаров турли йўллар билан қонунга чап беришда давом этади. Хусусан, «Бунёдкор-оригинал-сервис» корхонаси фаолиятида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги **«Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолиятининг амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, 2002 йил 5 августдаги **«Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаларини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорларининг бир қатор талабларига риоя этилмаган. Шу тариқа хусусий корхонада кирим қилинмасдан 221 миллион 28 минг 300 сўмлик товарлар сотиб юборилган.

Юқорида баён этилган қилмишлари ошкор бўлишидан қўрққан Б.Тоғайназаров ҳам муқаррар жазодан қутулиш учун яна бошқа жиноятга қўл уради.

*Islohot va samara*

# Эзгуликнинг теран моҳияти

## ёки ярашув институти самарали восита

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Гап шундаки, мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифланишига ўзгартириш киритилди, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифаси кенгайтирилди. Халқимизнинг миллий табиатига хос бўлган меҳр-оқибатлилик, бағрикенглик, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, йиқилганни суяш, кечиримлилик сингари қадриятлар қонунларимизда ўзининг теран ифодасини топди.

Масалан, юқорида номи қайд этилган қонунга асосан Жиноят кодексига **«Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида»**ги $66^1$-модда киритилгани халқимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Мазкур институт жиноий-ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда энг самарали восита бўлди, дейишга бугунги кунда тўлиқ асослар бор. Чунки ярашув институти жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, республикамизда судланганлик ҳолатини камайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. У жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишини тугатишга асос бўлаётир.

Таъкидлаш жоизки, ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида аниқ белгилаб қўйилган. Ярашув тўғрисидаги аризанинг шакли, мазмуни ва уни тақдим этиш тартибига нисбатан муайян талаблар қўйилган. Унинг асосий шартларидан бири ярашув тўғрисидаги аризанинг ёзма шаклда тақдим этилишидир. Албатта, ярашув тўғрисидаги аризада жиноят натижасида етказилган зарар бартараф қилинганлиги ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги, томонлар ўртасида ярашув вужудга келганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозим.

Масалан, айбланувчи А.Назаров суд мажлиси чоғида судга ярашув тўғрисида ариза берган. У ўзининг ушбу ёзма мурожаатида жиноий қилмишига тўлиқ иқрор ва пушаймон эканлигини, жабрланувчи З.Тоҳиров билан ярашгани, унинг даволаниши учун сарфлаган барча харажатларини қоплагани, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, қилмиши оқибатларини тушуниб етганлигини баён этиб, ўрталаридаги ярашувни тасдиқлаб, жиноят ишини тугатишни сўраган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи З.Тоҳиров ҳам айбланувчи А.Назаровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва у билан ярашгани, даволанишига сарф бўлган харажатлар қоплангани, эндиликда ўрталарида ҳеч қандай низо йўқлигини кўрсатиб, судга ярашув тўғрисида ариза тақдим этган.



Шу ўринда А.Назаров билан З.Тоҳиров ўртасида қандай воқеа содир бўлганини баён этадиган бўлсак, 28 мартдан 29 мартга ўтар кечаси А.Назаров З.Тоҳиров билан жанжаллашиб қолган. Жаҳл келса, ақл кетаркан, А.Назаров жабрланувчига тан жароҳати етказган. Оқибатда З.Тоҳиров ўртача оғирликда шикаст олган. Бу судга оид тиббий экспертиза хулосасида ҳам кўрсатиб ўтилган. Дастлабки тергов идораси томонидан А.Назаровга нисбатан Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган.

Суд айбланувчи А.Назаров ва жабрланувчи З.Тоҳиров ўзаро ярашиб олгани, ўрталарида моддий ёки маънавий зарар йўқлиги, ярашув тўғрисида ўз ихтиёри билан ариза беришганини инобатга олиб, ярашув тўғрисидаги суд баённомасини тасдиқлади. Жиноят кодексининг $66^1$-моддасига асосан айбланувчи А.Назаровни жиноий жавобгарликдан озод қилди ва унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ҳақида ажрим чиқарди.

Бу ҳаётда бировнинг тақдири бировникига ўхшамайди. Н.Меҳмонов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ўтган йил 2 августдаги қарорига асосан даъвогар З.Меҳмоновага тўрт нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент пули тўлаши лозим эди. Лекин у фарзандларига моддий таъминот беришни пайсалга солиб келган. Суд ижрочилари томонидан Н.Меҳмонов бу ҳақда бир неча марта огоҳлантирилган бўлсада, саккиз ой учун 1 миллион 764 минг сўм миқдоридаги алимент пулини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилгач, Н.Меҳмонов айбини тушуниб етган ва жабрланувчидан кечирим сўраб, алимент пулини тўлиқ қоплаган. Шундан сўнг унинг ярашиш ҳақидаги таклифини жабрланувчи қабул қилади. Суд айбланувчи ва жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, Н.Меҳмоновнинг қилмиши Жиноят кодексининг $66^1$-моддаси таъсир доирасига тушишини эътиборга олди. Биринчи босқич суди Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги **«Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қарори талабларига таяниб, шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига асосан айбланувчи Н.Меҳмоновнинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Шу ўринда яқинда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида кўриб чиқилган бир иш тафсилотига эътибор қаратадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисми билан гумонланувчи Б.Алибеков Самарқанд шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказида хазинабон вазифасида фаолият юритиб келган. Маълумки, хазинабон моддий жавобгар шахс ҳисобланади. Б.Алибеков ўз мавқеидан фойдаланиб, етти нафар ишчи-ходимнинг иш ҳақини талон-торож қилади.

Вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан санитария-эпидемиология назорати марказида тафтиш ўтказилганда хазинабоннинг қилмиши очилиб қолди. Етти нафар ходимга ёзилган пуллар эгалари томонидан олинмаган, тўлов қайдномаларидаги имзолар хазинабон Б.Алибеков томонидан сохталаштирилган. Иш терговга етгач, Б. Алибеков қилмиши оқибатини англаган ва зарар ўрнини қоплаб жамоадошлари ҳузурида жабрланувчилардан узр сўраган.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар З.Қўлдошев гумон қилинувчи Б.Алибековга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, улар ўзаро ярашганлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси талабини тўлиқ тушунганлигини айтиб, кўрсатма берди. Кези келганда кодекснинг ушбу моддаси моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Нега деганда, ушбу модда талабига кўра, ярашув тўғрисида берилган ариза суд томонидан тасдиқланса, ариза берган томон ушбу иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотади.

Агар юқорида баён этилган биринчи воқеадаги айбланувчи А.Назаров, иккинчи мисолдаги Н.Меҳмонов, хазинабон Б. Алибековга нисбатан ярашув институти қўлланилмаганда, табиийки, бошқа жазо тайинланарди. Ярашув институти туфайли суд уларга доир жиноят ишини айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, ҳаракатдан тугатди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонунчиликка ярашув институтининг киритилгани халқимиз миллий табиатига хос инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибатлилик каби фазилатлар қонунларимиздан мустаҳкам ўрин эгаллашига замин яратди. Суд амалиётига эътибор қаратсак, ярашув институти туфайли республикамизда судланганлик ҳолати тобора камайиб бормоқда. Агар ярашув билан боғлиқ ишларни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти туман ва шаҳар судлари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, шу йилнинг биринчи ярмида вилоятимизнинг биринчи босқич судларида ярашув билан боғлиқ 590 та жиноят иши 631 нафар шахсга нисбатан кўрилган. Демак, 631 нафар шахс қонунларимизда теран ифодасини топган демократик тамойиллардан баҳраманд бўлган.

Агар ярашув институти қўлланиши натижасида айбдорлик масаласи ҳал этилмай туриб, жиноят иши ҳаракатдан тугатилган юқоридаги шахсларнинг ортида оиласи, фарзандлари ва яқинлари борлигини эътиборга оладиган бўлсак, фуқароларимиз қалбида қонунларимизга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳисса тобора ортиб бораётганини англаш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, ярашув институти халқимизга хос инсонпарварлик, бағрикенглик сингари миллий қадриятларнинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Ҳаётда эзгулик, олижаноблик ҳамиша яхшиликка, савоб ишларга йўл очади, одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Ярашув институти ана шу жиҳатлари билан янада аҳамиятлидир.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси*

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Мулк ҳуқуқи

## унинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Гарчи қонунда мулкий муносабатлар тўлиқ тартибга солинган бўлса-да, ҳалиҳануз айрим фуқароларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмасликлари ёхуд ҳуқуқий меъёрлардан етарли даражада хабардор эмасликлари турли низоларга сабаб бўлаётир. Масалан, Д.Асқарова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1996 йилда Г.Насриддинов билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришгани, Уйчи тумани ҳокимининг 1990 йилдаги қарорига асосан, Г.Насриддиновга якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган 10 сотих ер майдонида 1996–2002 йиллар оралиғида иморат қуришганини баён этган. Афсуски, улар 2006 йили ўзаро келишмовчилик туфайли ажрашиб кетишган. Д.Асқарова юқорида қайд этилган уй-жойдан ўзи ва фарзандларига тегишли бўлган улушни натура ҳолида ажратиб беришни ҳамда уйга киритиб қўйишни сўраган.

Суд ушбу фуқаролик ишини батафсил ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, Д.Асқарова ва Г.Насриддинов, ҳақиқатан ҳам, 1996 йилда қонуний турмуш қуришган, 2006 йилга қадар бирга яшашган, уч нафар фарзанди бор. Туман ҳокимининг 2010 йилдаги қарорига асосан, низоли ҳовли-жойга ҳар иккала томоннинг ҳам эгалик ҳуқуқи белгиланган. Суд далилларни ўрганиб, гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, шунингдек, Олий суд Пленумининг 2011 йил 22 июлдаги **«Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг раҳбарий тушунтиришларини инобатга олган ҳолда даъвони қаноатлантирди.

Мухтасар қилиб айтганда, фуқаролар мулк ҳуқуқидан эркин фойдаланишга ҳақли. Зотан, бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Бироқ мулк ҳуқуқидан фойдаланаётган шахс бошқаларнинг манфаатларига зиён етказмаслиги зарур. Шундай экан, фуқароларнинг ҳуқуқий меъёрлар моҳиятини чуқур ўрганишлари уларни келажакда дуч келиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликлардан ҳимоялашга кафолат бўлади.

**Ҳасанбой НЎЪМОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судининг раиси*

*Muloqot*

**Газетхон савол беради...**

***— Айтинг-чи, никоҳ шартномасини ўзгартириш мумкинми?***



***Д.ШОМУРОДОВ,***
*Олтинсой тумани*

— Оила кодексининг 32-моддасига биноан, никоҳ шартномаси эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қай тартибда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шу шаклда амалга оширилади.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талаби билан қонунда белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди (никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно).

***— Уч нафар вояга етмаган фарзандим бор. Турли сабабларга кўра, турмуш ўртоғим билан ажрашмоқчиман. Айтинг-чи, турмуш ўртоғим фарзандларимизга тўлайдиган алимент миқдори қандай белгиланади?***



***З.БОЛТАЕВ,***
*Навбаҳор тумани*

— Оила кодексининг 99-моддасига асосан, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент миқдори суд томонидан белгиланади, бунда ота-онанинг маоши ва бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун ярми миқдорида алимент ундириш назарда тутилади. Айни чоғда бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

**Саволларга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Mulohaza*

# Битимлар билан боғлиқ низолар

## уларни ҳал этишда нималарга эътибор бериш керак?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бироқ суд амалиётида олди-сотди шартномасининг иштирокчиси ёхуд шартнома объектининг мулкдорлари бўлмасада, даъво ариза билан мурожаат қилаётган фуқаролар учраб туради. Жумладан, даъвогар Х.Абдиев судга мурожаат қилиб, савдо дўконининг ўзига тегишли деб ҳисоблашини, чунки у ушбу дўкон учун банк ҳисоб рақамига пул тўлаганлигини, жавобгарлар И.Қўчқоров ва туман матлубот жамияти ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Суд ҳужжатларидан кўринишича, низоли савдо дўкони туман матлубот жамиятига туман ҳокимининг 2006 йил 16 ноябрдаги қарорига асосан тегишли бўлган. Кўчмас мулк биржаси вилоят филиалида рўйхатга олинган олди-сотди шартномасига асосан И.Қўчқоров низоли савдо дўконини туман матлубот жамиятидан сотиб олган. Ушбу шартнома «Ергеодезкадастр» хизмати туман филиали томонидан рўйхатдан ўтказилган ва И.Қўчқоровда Фуқаролик кодексининг 185-моддасига асосан савдо дўконига нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган.

Гарчанд даъвогар Х.Абдиев низоли савдо дўкони ўзига тегишлилигини маълум қилган бўлса-да, лекин буни тасдиқлайдиган қонуний асосларни судга тақдим эта олмади. Демак, савдо дўкони унга тегишли эмас. Мазкур асосларга кўра, Навбаҳор туманлараро судининг 2011 йил 23 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, унинг даъво талаблари рад қилинган.



Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими билан қарор ўзгаришсиз қолдирилган.

Кези келганда, мажбурий нотариал шаклга риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаришини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги уларнинг ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги сифатида тушунилади. Бундай битимни бажариш учун содир этилган ҳаракатлар битим тарафлари учун ҳам, учинчи шахсларга нисбатан ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирмайди.

Агар тарафлардан бири битимни тўлиқ ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса, уни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, бу ҳолда қонун ўз мажбуриятини бажарган тарафни ўз ҳимоясига олади. Суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий, деб ҳисоблашга ҳақли. Бу ҳолда суд қарори битимни тегишлича расмийлаштириш ўрнини босади.

Олий суд Пленумининг **«Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарорининг 4-бандида битимларни ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъволарни кўришда судлар, ҳақиқатан ҳам, тарафлар ўртасида битим тузиш ҳақида келишув бўлганлиги, битим шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилганлиги ва битимни нотариал тасдиқлашга монелик қилган сабабларни аниқлашлари лозимлиги тушунтирилган.

Юқорида қайд қилинганидек, битимлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий жараён. Шу боис судлар битимларнинг қонунийлиги, уларнинг бажарилишига риоя қилиш, битимларни ҳақиқий ёки ҳақиқий эмас, деб топиш борасидаги мурожаатларни ҳал этишда амалдаги қонунларга тўлиқ риоя этиши фуқаролар манфаатига хизмат қилади.

**Ихтиёр ҚОСИМОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди раисининг ўринбосари*

# ... меваси ширин

## жиноий қилмиш эса, ҳеч қачон жазосиз қолмайди

У бош ҳисобчи билан жиноий тил бириктирган ҳолда «Бунёдкор — оргинал — сервис» хусусий корхонасининг 2010 ва 2011 йилларга оид аҳамиятли ҳужжатларини қасддан йўқ қилади.

Айтиш керакки, Б.Тоғайназаров қилмишларини хаспўшлашга қанчалик уринмасин, барибир унинг кирдикорлари фош этилди. Суд Б.Тоғайназаровни Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми «б» банди, 189-моддаси 3-қисми ва 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли деб топди. Унга нисбатан жазоларни қисман қўшиш йўли билан энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдорида – 17 миллион 407 минг 250 сўм жарима жазоси тайинланди. Суд ҳукмида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан етказилган 16 миллион 707 минг 200 сўм зарарнинг Б.Тоғайназаровдан давлат фойдасига ундирилиши ҳам белгиланди. Жиноят ишининг хусусий корхона бош ҳисобчиси А.Раҳимовга оид қисми, амнистия актига асосан, ҳаракатдан тугатилди.

Шу ўринда яна бир гап. Б.Тоғайназаров аввал ҳам шу турдаги жиноятни содир этган, қилмишига яраша тайинланган жазони ўтаган эди. Тўғрироғи, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом тумани судининг ажрими билан у ўталмаган жазонинг бир йилу ўн тўрт кунини ўташдан шартли равишда озод қилинган эди. Таассуфки, судланувчи бу имкониятдан фойдаланиш ўрнига яна жиноят кўчасига кирди. Шу боис суд Б.Тоғайназаровга муқаддам тайинланган шартли жазони бекор қилди. Унга ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда бир йилу ўн тўрт кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Қисқача қилиб айтганда, ҳалоллик ва қонунийлик тушунчаларининг мазмуни бир-бирига жудаям яқиндир. Зотан, ҳалолликни умр мезони билган, яъни бировнинг ҳақига хиёнат этмайдиган, виждонига хилоф иш қилмайдиган кишилар қонунга зид хатти-ҳаракатга йўл қўйишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Шундай экан, ҳалол яшаб, эл ичида обрў-эътибор орттирганга не етсин?!

**Ваҳоб ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Булунғур тумани судининг раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*«Куч — адолатда» мухбири*

*Ehtiyot bo`ling, firibgar!*

# Фириб тўри

**Бу ҳаётда ростгўйлик, ҳар бир ишда адолат тамойилларига қатъий риоя этиш юксак инсоний фазилатлар сирасига киради. Аксинча, ўзгаларнинг ишончини суиистеъмол қилиш, ваъдага вафосизлик каби иллатлар охир-оқибат кишини юзшувут қилиши ҳаётда кўп марта ўз исботини топган. Афсуски, ҳаётда баъзан нафс қутқусида ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, ўзгалар мулкини талон-торож этишдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Аслида бундай қилмиш қонунчиликда фирибгарлик деб аталиб, унга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган.**

(Давоми тўртинчи бетда)

*E'tirof*

# ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАШ БАХТИ





**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бу сафарги Олимпиада ўйинларига ҳам спортчиларимиз пухта ҳозирлик кўрди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»**ги қарори ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли тайёргарлик дастури спортчиларимизнинг Олимпиадага пухта ҳозирлик кўришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Лондон Олимпиадасида иштирок этадиган спортчиларимиз орасида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк маротаба иштирок этадиган ёш иқтидор эгаларининг ҳам кўплиги Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчилар авлоди тарбияланаётганидан далолат беради.

Ана шундай иқтидорли ёшлар — самарқандлик Мўминжон Абдуллаев ва Тошкент вилояти вакили Элмурод Тасмуродов спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — ёзги Олимпия ўйинларида илк маротаба иштирок этади. Бугун мураббий ва мутахассислар, кенг спорт жамоатчилиги, халқимиз барча олимпиячиларимиз қаторида ушбу ёш курашчиларимизга ҳам катта ишонч билан қарамоқда.

— Мустақиллик шарофати билан ўзбекистонлик спортчилар жаҳон майдонларига дадил чиқмоқда ва зафар қучмоқда, — дейди бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори, Осиё ўйинларининг икки карра ғолиби Элшод Расулов. — Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, хусусан, Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортида ўзини мана шундай юксак даражага етказган Ватанимиз, халқимиз турганини, яратилаётган шароитларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати эканини чин дилдан ҳис қилади. Мана шу туйғу биз, спортчиларга куч-қувват ва ишонч бағишлайди. XXX ёзги Олимпия ўйинлари ҳам Ўзбекистон спортчилари учун самарали бўлиши шубҳасиз. Мен ҳам Лондон Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Олимпиячиларимиз халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик шодиёнасига муносиб совғалар тайёрлашига ишончимиз комил.

Маълумки, XXX ёзги Олимпия ўйинлари муносабати билан Лондон шаҳрида Олимпия шаҳарчаси бунёд этилди. Умумий майдони қарийб 40 гектарни эгаллаган Олимпия шаҳарчасида 2818 бино қад ростлаган. Олимпиадага келган 205 мамлакатнинг спорт делегациялари шу ерда яшайди.

Ўзбекистон спорт делегацияси ҳам мазкур шаҳарчада жойлашиб, яратилган шарт-шароитлардан тўлиқ баҳраманд бўлаётир.

Олимпия шаҳарчасининг маданий марказига айланган, расмий, маданий, тантанали тадбирлар, кўргазма ва шоулар ўтказиладиган махсус ҳудудда иштирокчи мамлакатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.

— Олимпия ўйинлари бошланиши арафасида ташкил этилган бундай ҳаяжонли маросим барчамизни спорт оламининг энг нуфузли мусобақасида муносиб иштирок этиб, Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашга ундайди, беллашувларда ғалабаларга илҳомлантиради, — дейди бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, тинчлиги ва буюк келажаги тимсолидир. Биз, спортчилар учун давлатимиз байроғи куч-қудрат, жасорат, ғалаба рамзидир. Шу боис муқаддас байроғимизни доимо баланд тутиш учун курашамиз. Халқаро майдондаги ғалабаларимиз шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли эканини қайта-қайта юракдан ҳис этамиз. Зеро, бу галги Олимпиада истиқлолимизнинг 21 йиллиги арафасида ўтмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Олимпиада ўйинлари илк марта Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтган. 1896 йилнинг 6-15 апрель кунлари ўтказилган ўша мусобақаларда ўндан зиёд мамлакат вакиллари спортнинг тўққиз тури бўйича куч синашган.

Йиллар ўтиши билан Олимпиада ўйинлари ер куррасининг барча қитъаларидаги мамлакатлар спортчиларини дўстона беллашувларга жалб қила борди ва спорт оламининг энг оммавий мусобақасига айланди. Олимпиада ўйинларининг рамзи ҳисобланган 1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли бешта халқа бугунги кунда Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралия қитъаларининг бирлиги тимсолига айланди.

Олимпиаданинг ана шу бешта халқа тасвирланган оқ байроғи эса, тинчлик рамзидир. Зеро, Олимпиада ўйинлари чоғида урушлар тўхтатилган.

Мухтасар қилиб айтганда, катта спорт мусобақаларига старт берилди. Биз унда иштирок этаётган ҳамюртларимизга улкан зафарлар тилаб қоламиз. Улар миллий байроғимизни юксак кўтариб, мадҳиямиз янграшига сабаб бўладиган муваффақиятларни қучса, Ватанимиз қадди янада юксалади. Бунга эса, фақат ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол ва кучли ёшларгина қодирдир!

**Муттархон РЎЗИБОЕВА**

**Биз ўтган сонлардаги мақолаларимизда ҳайвонот дунёси сирли жиҳатлари билан азалдан инсонни ўзига жалб қилиб келгани ва бу борадаги ғаройиб воқеалар ҳақида ҳикоя қилгандик.**

**Бугун ҳам ушбу мавзуни давом эттирган ҳолда ҳайвонот дунёсидаги сирли воқеалар ҳақида сўз юритамиз.**

*Sirli dunyo*

# Биз билган ва билмаган дунё

## Сўзламай «гапирувчи» жонзотлар

Олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатадики, маймунлар тўдасига бошқа тўда ҳужум қилиб қолса, улар бирдамлик билан ўз тўдаларини ҳимоя қилишади. Бундан ҳам қизиғи шундаки, ана шундай «жанг»ларда муҳораба майдонидан қоча бошлаган мағлуб тўда, энг аввало, яраланган ҳамроҳларини тишлаб бўлса-да, хавфсиз жойга олиб чиқишга ҳаракат қилади.

Одатда, тўда-тўда бўлиб яшовчи филлар эса, касалга чалинган қавмдошини энг сўнгги дақиқагача ташлаб қўймас, уни икки ёнидан суяб, юришига ёрдам беришаркан.

Бундан бир неча йил илгари одамлар Дунай дарёси соҳилида яна бир ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлишган.

Бир қарға очиққаниданми ёки сув устида ўйноқлаётган майда балиқчалар иштаҳасини очиб юборганиданми, чаққонлик билан хўракни илиб олмоқчи бўлади. Аммо шовуллаб келган тўлқин уни сувга ғарқ қилади. Қарға ҳар қанча уринмасин, барибир, сувдан чиқолмайди. Қарғанинг куни битиб турган паллада кутилмаган мўъжиза юз беради. Яъни чағалайлар ёрдамга келишади. Улар омадсиз қарғани қанотларидан тишлаб-тортқилаб қутқариб олишади.

Хўш, чағалайларнинг бу меҳри, халоскорлигини қандай изоҳлаш керак?!

Жониворлар орасидаги бу каби меҳр-оқибат, айниқса, улар мушкул аҳволга тушиб қолган пайтда янада яққолроқ намоён бўлади. Масалан, шернинг етим қолган боласини эмизиб, катта қилган итлар ҳақида ким эшитмаган?! Мушукларнинг онасиз қолган жўжаларни ўз ҳимоясига олганига ҳам кўпчилик гувоҳ бўлган.

Япониянинг чекка шаҳарларидан бирида эса, узоқ йиллар давомида бир ит кеча-ю кундуз серқатнов магистрал йўлида танда қўйиб ётиб олади. Атрофдагилар бу итнинг эгалари айнан шу йўлда автомобиль ҳалокатига учраб, вафот этишганини жуда яхши билишарди. Ҳалокатга учраганларни қариндош-уруғи, танишлари, қўни-қўшни, ёр-биродарлари аллақачон унутиб юборади. Фақат ит унутолмайди, у айнан ҳалокат содир бўлган жойдан бир қадам нари кетмайди. Албатта, итнинг садоқатига кўпчилик қойил қолади. Ҳатто бир йўловчи итни уйига олиб кетади. Аммо ордан кўп ўтмай ит яна ўша ҳалокат содир бўлган жойга қочиб кетади.

Яқинда Ҳиндистонда рўй берган бошқа бир воқеа ҳам кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Гап шундаки, анча йиллардан буён цирк артисти ҳисобланган, кичкиналигиданоқ қўлга ўргатилган ювош бир фил дабдурустдан қаршисидан чиққан нотаниш бир қарияга ташланиб, уни топтаб ташлайди. Филни тинчлантириб, четга олиб кетишгунча чол аллақачон жон таслим қилади. Турган гапки, ювош филнинг кутилмаганда жазавага тушиб қолиши ҳаммани ҳайратга солади. Мутахассислар филни обдон текшириб кўришади, аммо ундан ҳеч қандай касаллик аломати топилмайди.

Хўш, фил бирон-бир касалликка чалинмаган бўлса, унда нега бунчалик жазавага тушди?! Бунинг сабаби нимада?

Мутахассислар ана шундай саволларга жавоб топишга уринишарди. Шунда кимдир филнинг оёқлари остида қолиб жон таслим қилган бахтиқаро чол аслида ким эди, шуни аниқлаш керак, деб қолади. Шундан сўнг улар сўраб-суриштиришга тушишгач, кўп нарса ойдин бўлади. Гап шундаки, ҳалиги чол бундан ўн беш йил муқаддам айнан шу филнинг онасини аёвсиз калтаклаб, ўта оғир ишларни бажаришга мажбур қилган экан. Бундан ҳам даҳшатлиси, чол бир куни ўша филни шу қадар шафқатсизлик билан савалаганки, оқибат она фил боласининг кўз ўнгида жон таслим қилган. Шундан сўнг етим қолган филчани циркчилар айнан шу одамдан сотиб олишган экан. Қарангки, орадан шунча йил ўтганига қарамай, фил бу воқеаларни унутмаган экан...

Ҳайвонот дунёсидаги ана шундай воқеалар ҳақида ҳикоя қилганда, беихтиёр олис Коми вилоятида рўй берган яна бир ажабтовур воқеа ёдга тушади. Комидаги темир йўллардан бирида тепловозни катта тезликда бошқариб келаётган ҳайдовчи туйқус рельс устига кўндаланг туриб олган буғуга кўзи тушиб қолади. Табиийки, ҳайдовчи шоша-пиша тепловозни тўхтади ва буғуни ҳайдаб юбормоқчи бўлади. Аммо қани энди буғу ётган жойидан қимир этса! Ҳайдовчи бундан баттар ҳайрати ортиб, бир неча йўловчилар билан буғуга яқин келади. Ажабки, бу шохдор жонзот «мў-мў»лаганча уларнинг оёғига суйкалармиш, гўёки нимадир демоққа уринган-дек... Ана шундагина одамлар атрофга диққат билан разм солиб қарашса, темир йўлдан бир неча қадам наридаги чуқурликка буғунинг боласи тушиб кетган экан. Шўрлик жонивор эса, уни чиқариб ололмагани учун жонини таҳликага қўйиб бўлса-да, темирйўлга кўндаланг ётиб олган экан...

Қадим-қадимдан олимлар ҳайвонот дунёсини ўрганиш мақсадида илмий изланишлар олиб боришади. Лекин ҳали-ҳамон табиатнинг бу сирли тилсимини ечиш ҳеч кимга насиб қилгани йўқ.

**Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.**

**Ҳаётда кўп учрайдиган ижара шартномаси, хусусан, уй-жойни ижарага бериш шартномасига оид меъёрлар қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган.**

*Maslahat*

# Уй-жойнинг ижара шартномаси

## унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Хусусан, Фуқаролик кодексида белгиланганидек, уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф — уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) бошқа тараф (ижарага олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади. Уй-жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун ҳам топширилиши мумкин.

Аниқ мақсадга қаратилган коммунал уй-жой фондидаги уй-жойлар фуқароларга уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан берилади. Уй-жойни ижарага беришнинг бундай шартномаси бўйича ижарага олувчи билан бирга яшайдиган унинг оила аъзолари барча ҳуқуқлардан ижарага олувчи билан тенг фойдаланади ва барча мажбуриятларни бажаради.

Ижарага олувчи ва унинг оила аъзоларининг талабига биноан шартнома оила аъзоларининг биттаси билан тузилиши мумкин. Ижарага олувчи вафот этган ёки уй-жойдан чиқиб кетган тақдирда, шартнома уй-жойда яшаб турган оила аъзоларининг бири билан тузилади.

Бундай шартнома ёзма шаклда тузилади. Уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг миқдори тарафларнинг ўзаро келишувига биноан уй-жойни ижарага бериш шартномасида белгилаб қўйилади. Башарти қонунга мувофиқ уй-жой учун тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори белгилаб қўйилган бўлса, шартномада белгиланган ҳақ ана шу миқдордан ошиб кетмаслиги лозим.

Уй-жой учун ҳақ ижарага олувчи томонидан уй-жойни ижарага олиш шартномасида назарда тутилган муддатларда тўлаб турилиши керак. Агар шартномада бундай муддат назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ижарага олувчи томонидан ҳар ойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаб турилиши зарур. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у беш йилга тузилган деб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, уй-жойни ижарага беришнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бўлиб, уларга риоя этиш турли низоларнинг олдини олади.

**Лазиз ҚОДИРҚУЛОВ,**
*Олий суд катта консультанти*

*Ehtiyot bo`ling, firibgar!*

# Фириб тўри

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Айтиш керакки, фирибгарлик мулкка тажовуз қилувчи жиноятлар ичида энг кўп тарқалганидир. Ушбу жиноят содир этилишига кўра, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож этиш каби ўзгалар мулкига қарши қаратилган жиноятлардан фарқланади. Жумладан, фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритишда намоён бўлади.

Фирибгарлик жиноятининг ўзига хос жиҳати — унда жисмоний усул қўлланилмайди. Бошқача айтганда, фирибгарликка қўл ураётган кимса жабрланувчига нисбатан жисмоний куч ишлатмайди. Айбдорнинг ҳаракатлари ахборот хусусиятига эга бўлиб, томонларнинг муносабатлари ўзаро ишонч асосида шаклланади. Мулкдор мулкини «ихтиёрий» равишда айбдорга тақдим этади. Яъни жабрланувчининг руҳиятига зимдан таъсир кўрсатиш орқали фирибгар ўз муддаосига эришади.

Шу ўринда бевосита мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, А.Кожагелдиев ўзгаларнинг мол-мулкини, мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2009 йилнинг июнида Ж.Бозорбоевнинг ишончига киради. Уни турли баҳоналар билан алдаб, «қарз бериб туринг, ўн кунда қайтараман», деб ваъда беради ва 10 минг АҚШ долларини қўлга киритади.



Аммо қарзни олгунча турли ваъдаларни берган А.Кожагелдиев пулни қайтаришга келганда, қорасини ҳам кўрсатмай қўяди. Улар тасодифан учрашиб қолишганда фирибгар ҳар хил баҳоналар билан қарзни қайтариш муддатини ортга суради.

Бировнинг ҳожатини чиқараман, деб ўйлаган Ж.Бозорбоев ниҳоят фирибгарга дуч келганини англайди ва ҳуқуқ-тартибот идорасига мурожаат қилади. Шундан сўнг фирибгар сал ҳушёр тортади. Яъни А.Кожагелдиев терговгача қарзнинг 3 минг АҚШ долларини қайтариб беради, бироқ қолганини яна «унутади».

Бу ёғини сўрасангиз, А.Кожагелдиев биргина Ж.Бозорбоевни «чув» туширмаган экан. Аниқроқ айтадиган бўлсак, фирибгарликнинг ҳадисини олган бу кимса турли хил асоссиз, куракда турмайдиган ваъдалар билан бошқаларнинг ҳам қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб келган. Жумладан, у «фарзандингизни ўқишга киритиб бераман», деган ёлғон ваъда билан А.Ниёзовадан 2.500 АҚШ доллари, Э.Авезовдан 15.000 АҚШ доллари, Н.Эшниёзовадан 3.000 АҚШ долларини олиб, бу пулларни ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборади.

Албатта, бу ҳаётда жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Шу маънода суд Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «а» бандида, 28-211-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган А.Кожагелдиевга нисбатан ҳам қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бировни алдаб мулкига эгалик қилиш ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Доно халқимиз ҳам текин тешиб чиқади, деган нақлни бежиз айтмаган. Шундай экан, ҳалол меҳнат орқасидан умргузаронлик қилиш энг тўғри йўл эканини ёдда тутайлик.

**Атабай БАКИЕВ,**
*Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди раисининг ўринбосари*

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ХАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-716. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7699.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20:00 Топширилди: 22:30